

ИНВЕСТИЦИОН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолиятида инвестицион рискларни суғурталаш амалиётини жорий этилиши муҳим аҳамият касб этиб, айнан бугунги кунда рискларнинг камайтиришнинг оптимал йўлларида ҳисобланади. Мақолада инвестицион рисклар ва уларни суғурталаниш тартиби ҳамда халқаро суғурталаш меъёрлари ва баҳолаш усуллари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: молиявий риск, рискларни суғурталаш жараёни, молиявий рискларни суғурталаш босқичларни, риск суғуртасининг жаҳон тажрибаси, суғурталашда риск коэффиценти.

Бугунги кунда инвестицион рискларни суғурталаш, унинг моҳияти, вазифаси, ҳисобга олинадиган омиллари ва суғурта шкалаларининг ўрнатилиш сабабларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бизга маълумки, нобарқарор, тез ўзгариб турувчи бозор муносабатлари шароитида суғурта компаниялари, банклар, турли кредит уюшмалари ва молиявий институтлар ўз мижозлари, рақобатчилари томонидан бўладиган ҳаракатлар ва қонун ҳужжатлари ўзгариши билан боғлиқ турли хил натижалар ва уларнинг молиявий фаолиятига таъсирини инобатга олиб бориши лозим. Чунки бундай ўзгарувчан ҳолатлар молиявий институтлар фаолияти давомида юқори риск қилишга олиб келади. Замонавий молиявий тизимни рисксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кредит уюшмаларининг ва айниқса суғурта компанияларининг рисксиз операцияси йўқ, унинг барча операциялари риск билан боғлиқ бўлиб, уларнинг даражаси операция турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Бинобарин, уларнинг амалиётида рискни умуман йўқ қилиш мумкин эмаслиги боис, уни олдиндан кўра билиш, ёхуд камайтириш чораларини кўриш лозим. Суғурта иқтисодиёт молиявий секторининг энг муҳим таркибий қисимларидан бири бўла туриб, турли хилдаги рисклардан ҳимояланиш вазифасини ўтайди ва маълум бир вақтда ноаниқлик хатарини камайтириб, ҳар қандай корхона молиявий фаолиятида барқарор ривожланишга кўмак беради. Бунда суғурта турли рисклар оқибатида кўрилиши мумкин бўлган кутилмаган зарарларни қоплаш кафолатини беради, бу охир оқибатда барқарорликни таъминлашга олиб келади. Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий босқичида турли кредит уюшмалари, молиявий институтлар ва суғурта компанияларнинг ҳамкорлиги яхши томонга ўзгара бошлади. Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий босқичида турли кредит уюшмалари, молиявий институтлар ва суғурта компанияларнинг ҳамкорлиги яхши томонга ўзгара бошлади.

Хорижий компанияларда рискларни бошқариш бўйича алоҳида бўлимлар ва масъул ходимлар тайинланган бўлиб, ушбу бўлим ёки риск-менежментининг асосий фунцияларига қуйидаги 1 расмдагидек ифодалаш мумкин.



1-расм. Риск ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари¹


Бу бизнеси фаолиятининг рисклилиқ даражаси юқори бўлган соҳаларига тегишли экани билан изоҳланади, суғурта эса турли хатарлар ва кутилмаган ҳолатлардан ҳимоялашнинг энг муҳим усули деб баҳоланади. Корхоналар хусусан банклар фаолияти, қарорлар қабул қилишда ҳисобга олиш шарт бўлган турли хатарларга тўладир. Демак, банкнинг молиявий фаолияти якунлари унинг рискларини бошқаришда тўғри сиёсатни танлай олишга боғлиқ. Молиявий рискларни суғурталашдан асосий мақсад тадбиркорлик фаолиятининг мақсади билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозор қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда рискларни камайитириш ёки олдини олишнинг энг оптимал усулини танлаш ҳисобига фойдани максималлаштириш ҳисобланади. Бунинг учун албатта инвестицион рискларни бошқариш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бугунги кунда молиявий рискларни бошқариш жараёнида қўйиладиган жаҳон ҳамда миллий даражадаги талабларни инобатга олган ҳолда қуйидаги асосий босқичлар орқали ифодалаш мумкин. Рисклар ҳар қандай ташкилотнинг молиявий ҳолатини ёмонлаштириб юбориши ва корхонанинг бутунлай бакрот бўлишига олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб корхоналар фаолият давомида рискларни суғурталаш орқали унинг хавф даражасини пасайитиришга ҳаракат қилади. Яъни корхоналарда рискларни суғурталаш орқали, риск даражаларини пасайитириш ва рисклардан қочишнинг йўллари кўрилади. Бу эса ўз навбатида корхоналарда молиявий хавфсизликни таъминланиб, молиявий барқарорликка эришишда замин яратилади.

¹ Тадқиқотчи томонидан тузилди.



2-расм. Инвестицион рискларни бошқариш жараёнлари тавсифи

Маълумки риск даражаси даромад олиш даражасига тўғри пропорционал ҳолатда шаклланади. Яъни кўп даромад олинадиган лойиҳанинг даромадларни йўқотиш хавфи ҳам шунга яраша катта бўлади. Ушбу ҳолат корхонада молиявий рискларни суғурталашда ҳар доим инобатга олинади. Умуман олганда молиявий рискларни суғурталашдан кўзланган мақсадга эришиш учун маълум вазифалар амалга оширилади. Ушбу вазифаларнинг асосий қисмини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (3-расм).



3-расм. Инвестицион рискларни бошқариш жараёнлари²

² Тадқиқотчи томонидан тузилди.

Тадқиқ этилаётган мавзу доирасида хулосаларни шакллантирар эканмиз,

Биринчидан, корхоналарда рискларни суғурталашда амалга ошириладиган асосий вазифалардан бири корхона молиявий хавфсизлигига таҳдид соладиган молиявий фаолиятнинг юқори риск соҳаларини аниқлаб, рискли ҳодиса юз берганда минимал зарар билан чиқиш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида корхона учун юқори риск соҳаларидан қочиш, рискларни минималлаштириш каби имкониятларни беради. Бу корхона молиявий барқарорлигини сақлаб қолади.

Иккинчидан, алоҳида рискли ҳодисалар ва у билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган молиявий йўқотишлар эҳтимоллигига ҳар томонлама объектив чора кўриш ҳисобланади. бу эса корхонага молиявий ресурсларини турли соҳаларга йўналтириш ҳамда бундан қанча даромад олиш ҳамда минимал даражада зарар кўриш миқдорини юзага келтиради. Бу бир томондан корхона молиявий хавфсизлигини таъминласа, бошқа томондан корхона молиявий барқарорлигини таъминлайди. Корхоналарда молиявий рискларни суғурталаш белгиланган кетма-кетликда ва босқичларда амалга оширилади.

Учинчидан, инвестицион рисклар бозор иқтисодиёти шароитида ўзгарувчан характерга эга. Яъни риск даражасини аниқлашда айрим омиллар четда қолиши ёки бошқа янги таъсир этувчи омил юзага келиши мумкин. Бу эса корхоналарда мунтазам равишда молиявий рисклар ҳолатини назорат қилишни таъминлайди. Шунинг учун молиявий ресурсларни суғурталашда якуний босқич бўлиб айнан суғурталанган молиявий рисклар мониторинг ва назоратини ташкил этиш ҳисобланади.

Тўртинчидан, рискларни таҳлил қилишда жаҳон амалиётини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Англияда рискларни суғурталаш уларни нейтраллаштиришнинг ички омили сифатида қаралади. Баъзида ҳаридорлар рискка бефарқликдан кўра унга мойилликнинг кўриниши бўлган рискли вариантларни танлайдилар. Буни мазкур давлатда лотерея иштирокчиларининг жуда кўпайиб кетганлигида кўриш мумкин. Шунга қарамай рискли вазиятларнинг жуда хилма хиллигида умуман олганда истеъмолчилар рискка мойил эмаслар. Англияда суғурта билан жуда кўп сонли суғурта компаниялари шуғулланади. Суғурта хизматларининг ҳам турлари кўп. Суғуртачиларнинг маълумотларига кўра, суғуртанинг кўп турлари барқарор фойда олиб келади. Англияда суғуртанинг барча турлари ривожланган. Улар орасида ҳаёт ва автомобил суғурталари этакчилик қилади. Дунёнинг жуда кўп давлатларида Англия суғурта компаниялари вакиллари иш юритади. Англияда суғурта бизнеси махсус қонунчилик томонидан бошқарилади. Бу ерда суғурта фаолиятини кузатувчи бир бутун федерал орган мавжуд эмас, ҳар бир штат ўз суғурта қонунчилигига ва бошқарув органига эга. Ҳар бир штат суғурта компаниялари , суғуртачи брокерлар ва агентлар фаолиятига нисбатан ўз талабларини қўяди. Яқиндаги молиявий инқирозга қарамасдан, Англия ҳалихануз дунё суғурта бозорида олдинги ўринларда турибди. Шу ўринда ушбу давлатда рискни пасайтиришнинг уч усулини: диверсификация, суғурта қоғози сотиб олиш ҳамда танлаш ва натижалар ҳақида кўпроқ маълумот тўплашни

таклиф этадилар. Англияда рискни камайтириш мақсадида маблағларни бир неча йўналишлар бўйича тақсимлаб чиқиш диверсификация усули корхонада мавжуд рискларни камайтириб, маълум самарадорликка ва юқори даромад олишда қўлланилади. Ўз-ўзини суғурталаш корхона ўз айланма маблағлари ҳисобига махсус резерв фондини шакллантириш ва улар ёрдамида зарарларни қоплаш билан боғлиқдир. Суғурталашнинг асосий вазифаси ижтимоий тақдор ишлаб чиқаришнинг мунтазамлиги, узлуксизлиги ва мувозанатланганлигини таъминлашдан иборатдир. У рискларни камайтиришнинг асосий усули бўлиб уларни суғуртаси ҳисобланади. Англияда суғурта компаниялари фаолиятининг асосий тамойилларига қуйидагилар киритилиши мумкин: суғурта ходисаси вужудга келишининг тасодиқийлиги ва олдиндан айтиб бўлмаслиги; зарарни ҳисоблашнинг тамойилиал имконининг мавжудлиги; суғурта ходисаси бўйича статистиканинг мавжудлиги; рискни қайта суғурталаш имконияти. Молиявий рискларини суғурталаш орқали камайтиришда жаҳон тажрибаларини қўллаш юқори самара бериши мумкин. Чунки ривожланган мамлакатлар тажрибасида синалган усулларни амалиётга қўллаш орқали эришилиши мумкин бўлган натижани олдиндан кўриш имконияти юзага келади. Англияда рискни суғурталашнинг ўзига ҳос қийинчилик юзага келтирадиган вазияти таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлашимиз жоизки, мамлакатимизда ҳам рискларни суғурталаш ва суғурта компаниялари томонидан кўрилиши мумкин бўлган риск турларини ишлаб чиқиш ва шу асосда муайян дастур доирасида чора тадбирларни қўллаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, мазкур давлатларда фаолият юритувчи корхоналар тадбиркорлик рискларини суғурталаш орқали камайтириш мақсадида риск коэффицентини аниқлашни амалий методи сифатида қуйдаги формула орқали ҳисоблашни тавсия этамиз:

$$K_r = 3/P$$

Бу эрда: K_r - риск коэффиценти; 3 - юзага келиши мумкин бўлган максимал зарар; P - молиявий ресурслар ҳажми, валютада.

Суғурталашдан олдин қарорни математик асосланиш билан бир қаторда амалга оширишда юзага келадиган ҳодисаларга омилли таҳлилни ҳам ҳисобини олиш лозим. Юқоридаги тавсия этилган формулани амалда қўллашдан аввал қуйидаги омиллар ўрганилиб чиқилади: рискни пайдо бўлиш сабаблари ва таъсир қилиш характери бўйича кутилаётган хатар миқдори, бошқариш имкониятига қараб рискларни бўлиб чиқиш, ҳисоблаш усулига қараб рискларни ажратиш, юзага келиш ва таъсир вақтига қараб рискларни ажратиш, юзага келиши мумкин бўлган рискли ҳодисалар сони, жами молиявий ресурсларнинг риск миқдорига нисбати, кутилажак зарарнинг даромадга нисбати. Фикримизча молиявий рискларни суғурталашда риск коэффицентини бизнинг суғурта амалиётимизда ҳам қўлланилса, ўзининг молиявий ресурсларини тегишли даражада шартли равишда кутилаётган риск эҳтимолини аниқлаган бўлади.

Бешинчидан, ҳимоя вазифасидан ташқари, рискларни суғурталаш айниқса тижорат банклари кўплаб миждозларга хизмат кўрсатишини инобатга олинадиган бўлсак, суғурта компаниялари учун ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш долзарблиликни касб этади. Ҳамкорлик муносабатлари эса ягона миждозлар базасини яратиб, уларга хизмат кўрсатиш имконини беради.

Олтинчидан, суғурта иқтисодиётдаги рискни минимал даражага олиб келишга ёрдам беради. Лекин суғурта бизнесининг ўзи ноаниқлик шароитида мавжуд бўлади. Суғурта ҳодисаси содир бўлиши мумкинлигини тахмин қилган шахс ўзини ихтиёрий суғурта қилади. Бироқ молиявий рискларни камайтиришга қаратилган суғурталаш жараёни бошқа ҳолатлардан кескин фарқ қиладики, уни авваламбор аниқлаш, тегишли чора кўриш бирмунча мушкул. Шу билан биргаликда, молиявий операциялар билан мунтазам шуғулланувчи корхона ёки ташкилот учун рискни суғурталаш бирмунча самарали ҳамда келгуси фаолиятларни эркин ташкил этиш гарови саналади.

Адабиётлар:

1. Hall, E. M. (1998). Managing Risk: Methods for Software Systems Development, Addison Wesley.
2. HB 436 2004. Handbook Insure at Risk Management Guidelines. Standards Australia International Ltd., Sydney 2014.
3. Society.askold.net/s/cogf.html
3. www.fsa.gov.uk
4. www.euroasia.uz,
5. www.uzbekinvest.uz,
6. www.sugurta.uz